

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

“РЎЙХАТГА ОЛИНДИ”

№ ВМ – 343 – 5А340801 – 2.01

“1” ИЮЛЬ 2003 й.

“ТАСДИҚЛАНДИ”  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги

---

“8” ИЮЛЬ 2003 й.

**ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ВА  
ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ  
фанидан  
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 – “Бизнес ва бошқарув” таълим  
соҳасидаги 5А340603 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”  
магистратура мутахассислиги учун**

**Ташкент – 2003**

**Тузувчилар:** и.ф.д. проф. Абдуллаева Ш.З.  
и.ф.н. доцент Насритдинова С.С.  
**Такризчилар:** к.ўқ. Эрназаров Н.С.  
и.ф.н. доцент Мўминов М.

"Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари" фани мутахассислик фанларидан бири бўлиб, унда ташқи иқтисодий фаолият мазмуни, унинг объектлари, субъектлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан таништириш ҳамда импорт, экспорт операцияларида валюта операцияларининг ҳисоби кўриб чиқилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти ва валюта операциялари ҳисоби ёритилади.

"Внешнеэкономическая деятельность и валютные операции" является одним из профилирующих предметов. В нем описаны цели внешнеэкономической деятельности, его объекты, субъекты, права и обязанности и в том числе учет валютных операций в импортно-экспортных операциях. А также изучается внешнеэкономическая деятельность и учет валютных операций Республики Узбекистан.

Economic activities with foreign countries and of currency operation is one of the main subjects. This subject gives us information about purposes economic activities with foreign countries, its objects, subjects, laws and duties and account currency operation in export-import operations. And of course it conducts economic activities with foreign countries and account of currency operation of Uzbekistan.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

## **1. СЎЗ БОШИ**

### **"Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари" фанини ўқитишнинг мақсад ва вазифалари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16 август 2001 йилдаги 343-сонли қарорига асосан тасдиқланган таълим стандартига биноан "Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари" фани ўқитилади.

Жаҳон хўжалигига кўшиладиган "очиқ иқтисод" қуриш учун бозор қонунларини халқаро миқёсда шаклланишини биладиган кадрларни тайёрлаш керак.

Жаҳон хўжалигига узвий кўшилиб кета оладиган халқаро ҳамжамиятига "очиқ иқтисодиёт" қуриш учун мамлакатимизда тайёрланаётган мутахассислар халқаро миқёсда бозор иқтисодий қонунларини шаклланишини билишлари зарур.

Олдинги даврда ташқи савдо, халқаро алоқаларни ўрганиш ва ўқитиш фақат марказий махсус олий ўқув юртларида олиб борилар эди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, мустақил ташқи иқтисодий сиёсат олиб бораётганлиги туфайли ташқи иқтисодий фаолиятнинг эркинлашаётганлиги халқаро муносабатлар бўйича мутахассислика ихтисослашаётган барча талабаларни ташқи иқтисодий билимлар билан ҳар томонлама қуроллантиришни тақазо этади.

"Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари" фанининг мақсади талабаларга ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари мазмунини тушунтириш, республика қонунларида белгиланган бу фаолият объектлари субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан таништириш, талабаларни Ўзбекистон экспорти, импорти таркиби ва географиясини таҳлил қилишни ўрганиш.

### **"Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари" фани бўйича талабаларнинг билимига, ўқувига ва кўникмасига қўйиладиган талаблар**

Магистр "Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари" фани бўйича қуйидагиларни билиши зарур:

- Ўзбекистон Республикасининг халқаро иқтисодий ташкилотлар билан олиб бораётган алоқалар ва ҳамкорлигини ўзлаштириш;
- ГАТТ-ВТО ташкилотида кузатувчи сифатида Республика эга бўлган ташқи савдо имтиёзларини билиб олиш;
- ташқи савдо умумий ҳажмда экспорт бўйича Мустақил Ҳамдўстлик Давлатлари (МДХ) нинг ҳиссаси, Европа мамлакатлари ҳиссаси ва умуман, узоқ хорижий давлатлар савдосининг динамикасини таҳлил этиш ва тегишли ўзгаришлар йўналишларини белгилаш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни бошқарадиган ва уни амалга оширадиган муассаларнинг иши билан танишиш;
- хорижий шериклар билан савдо, инвестициялар олиш, корхона тузиш тўғрисидаги шартнома ва битимларни ўрганиш ва бошқа жорий амалларни ўзлаштириш.

### **Ўқув режасидаги бошқа фанлар билан алоқаси**

"Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари" фани "Халқаро иқтисодий муносабатлар", "Халқаро валюта-кредит муносабатлар", "Халқаро валюта ва ҳисоб операциялари", "Халқаро молия институтлари" ва бошқа иқтисодий фанлар билан узвий боғлиқдир.

### **Фанни ўқитишдаги янги технологиялар**

Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари курсини ўқитишни педагогик технологиясининг таркибий қисми бўлмиш:

- ўқув мақсадлари ва вазифаларини каталогларини ишлаб чиқиш;
- ўқув мақсадларини назорат қилиш;
- ўқув мақсадларига эришиш;
- режалаштирилган мақсадларнинг бажарилишини баҳолаш каби нуқтаи назардан ташкил этиш тавсия этилади.

### **Фанни ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалар**

"Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари" фани II-семестрда ўқитилади. Истиқболли ҳисоб-китобларни тузиш ва олиб боришда компьютердан кенг фойдаланилади ҳамда ўқув жараёни рейтинг тизимида ташкил қилинади.

Магистрлар билимини баҳолаш ҳамда назорат қилишда кўп вариантли тестлар ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш лозим.

## **Талабалар билимини баҳолашда қўлланиладиган назорат тадбирлари**

"Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари" фанида талаба ўқув жараёнида икки маротаба оралиқ ва жорий ҳамда бир маротаба якуний назорат орқали баҳоланади.

## **Умумий ва ўқув ишлари турлари бўйича ҳажми**

Олий касбий таълимнинг давлат стандартларида мазкур курсга барча мутахассисликлар учун 80 соат ҳажмда вақт ажратилган. Уларнинг 40 соати маъруза, 40 соати амалий машғулотлар ҳамда 30 соати мустақил таълимдир.

## **2. ФАН ДАСТУРИ**

### **Фаннинг мазмуни**

#### **Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари фанининг мақсад ва вазифалари**

Фаннинг предмети, унинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги. Фанни ўрганиш услублари, вазифалари ва унинг моҳияти.

*Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари ҳисобини ташкил этиши ҳамда уни бошқаришнинг ташкилий тузилиши.*

#### **Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий муносабатларида ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари фанининг тутган ўрни**

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий комплекси, унинг хусусиятлари. Республика ташқи иқтисодий фаолиятининг ҳозирги пайтдаги аҳволи. *Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.* Иқтисодий таркибий қайта қурилиши ва ташқи иқтисодий фаолиятининг ундаги ўрни. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ялпи миллий маҳсулотни яратишдаги ҳиссаси.

Ташқи савдо. Ўзбекистонда ташқи савдони ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг бошқа турлари: иш кучи миграцияси, капиталлар ҳаракати, жумладан хорижий инвестициялар оқими, халқаро валюта, илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш соҳасидаги муносабатлар. *Ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солиш усуллари.*

#### **Ўзбекистон ташқи иқтисодий сиёсатининг тамойиллари ва мақсадлари**

Экспорт потенциали тушунчаси. *Ўзбекистон Республикаси экспорт потенциалининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари.* Ҳозирги даврда экспорт қилинаётган маҳсулотларимиз /хизматлар, илмий-техникавий ғоялар билан бирга/. Ўзбекистон Республикаси экспорт сиёсатининг узоқ муддатли ва жорий вазифалари, уларни ечиш йўллари. Айни пайтдаги экспортимиз ҳажмида МДҲ нинг ҳиссаси ва ривожланган узоқ хорижий мамлакатларнинг ўрни. Хомашё экспортдан тайёр маҳсулот сотишга ўтиш билан боғлиқ муаммолар. ситуацион масалалар ечиш.

## **Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари**

Ташқи Иқтисодий Алоқалар вазирлиги, унинг вазифалари, бошқарма ва бўлимлари. Адлия вазирлигининг тегишли бошқарма ва хизматлари. Молия вазирлиги. Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий банки. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкининг тегишли бошқармалари ва бўлимлари. Алоҳида вазирликларнинг ташқи алоқалар бўйича бўлим ва хизмат бўғинлари. Давлат мулки ва кўмитаси, хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича тузилган "Ўзбекивест" компаниясининг аҳамияти.

*Республика мустақиллиги, унинг тараққиёт йўлини ўзига хослиги ва жаҳон ҳамжамиятлиги тажрибасини акс эттиришининг аҳамияти ва бу бўйича қабул қилинган қонунлар ва бошқа тегишли меъёрий ҳужжатлар. Ситуацион масалалар ечиш.*

## **Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларини олиб бориш тартиби, унинг ҳуқуқий асослари**

Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларининг объекти ва субъекти. *Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларида қатнашиш учун қўйиладиган талаблар.* Юридик ёки жисмоний шахс экспорт-импорт операциялари билан шуғулланиш тартиби. Ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва вазифалари. Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари қатнашчиларига бериладиган лицензия тартиби. Барча қатнашчилар ичида хорижий субъектларга, жумладан кўшма корхоналарга белгиланган имтиёзлар. Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари қатнашчилари фаолиятининг самарасини кўтариш омиллари ва бу соҳадаги муаммолар.

## **Ўзбекистон Республикаси импорт сиёсатининг тамойиллари ва мақсадлари**

*Ўзбекистон Республикасида импорт сиёсатининг тузилиши, географияси.* Унинг тамойиллари ва мақсадлари ҳамда унга таъсир этувчи омиллар.

Импортимиз таркибига, ҳажмига, қийматига Собиқ Иттифоқ давлати тарқалишининг таъсири. Республика маҳсулотларини чет эл товарларидан устунликка эришиш йўллари.

## **Халқаро тижорат ташкилотлари. Жаҳон Савдо ташкилоти, унинг мақсад ва вазифалари**

Ташқи савдода даллоллик корхоналари, халқаро биржалар, аукционлар, кўргазма-сотувлар, торглар, савдо уйлари ҳақида тушунча ва уларнинг зарурияти.

Халқаро биржа ва унинг иш тартиби. Уларнинг турлари ва турли маҳсулотларни сотди-олдидаги ҳиссаси ва ўрни. Чет мамлакатларнинг йирик биржа марказлари. Халқаро товар биржасининг бошқарувчи органлари, биржа "чуқурлиги", дилерларни "хўкиз" ва "айиқ" турлар амали.

Халқаро аукционлар "ким ошди" савдосини қўллаш тартиби. *Ўзбекистон Республикасининг чет давлатларда очилган савдо уйлариининг фаолияти.*

## **Рақобатга чидамли товарлар ташқи бозорга чиқишининг асоси**

*Ташқи бозорга рақобатга чидамли товарлар ишлаб чиқишининг асоси ва товар тамгасининг аҳамияти.*

Халқаро биржа ва аукционларда амал қиладиган замонавий рақобат хусусиятлари ва омиллари. Маҳсулот, фирма ва давлатни рақобатга кодирлиги даражасини

белгилайдиган кўрсаткичлари. Товар ҳаёти цикл /доираси/, унинг босқичлари ва фирмаларни, давлатни маркетинг сиёсатига таъсири. Ўзбекистонда жаҳон бозори рақобатга чидамли товар ва хизматларни яратишни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ечиш йўллари. Иш ўйини ва унинг муҳокамаси.

### **Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари ҳисобини тартибга солишда хорижий тажриба ва унинг Ўзбекистон учун аҳамияти**

Замонавий мамлакатларнинг иқтисодий назарияси томонидан асослаб, халқаро савдода амалий қўлланилган нисбий солиштириш афзаллиги қонидасининг аҳамияти. *Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларини бошқариш ва ривожлантиришининг ривожланган мамлакатларда қўлланиладиган услублар ва чоралар. Бож тарифлари, экспорт солиқлари, лицензия ва квоталар.* Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари ҳисобини бошқаришда маъмурий чекланишлар шакллари ва андозаси.

### **Жаҳон бозорларида адолатсиз рақобат ва унинг олдини олиш воситалари**

*Халқаро савдода эркин рақобатнинг тартиб ва ахлоқий меъёрларини бузилиши ҳоллари.* Картеллар тузиш демингни қўллаш коррупциядан фойдаланиш ва бошқа яқка ҳукмронлик амалларининг шаклланиши. Трансмиллий корпорациялар ва улар фаолиятининг эркин рақобати учун хавфи. Халқаро ташкилотлар томонидан қонунлаштирилган ва тегишли ҳужжатларда қайд этилган адолатсиз рақобатни чеклашга қаратилган чора-тадбирлар жумладан шу ҳаракатларни олиб борадиганларга нисбатан кўзда тутилган жарималар ва моддий қоплашлар таърифи.

### **Хорижий инвестициялар ва уларнинг Ўзбекистон учун аҳамияти ҳамда қўшма корхоналар фаолияти**

*Хорижий инвестиция тушунчаси, уларни таснифлаш ҳамда шакллари.* Ўзбекистон иқтисодиётида чет эл инвестицияларининг тутган ўрни. Ўзбекистон Республикасининг хорижий инвестициялар тўғрисидаги қонуни, хорижий инвесторларга берилган имтиёзлар.

Ўзбекистон Республикасининг "Қўшма корхоналар тўғрисида"ги Қонунида қўшма корхоналар учун берилган имтиёзлар. *Ўзбекистон Республикасида тузилган ва ишлаётган қўшма корхоналар сони, тармоқлар бўйлаб жойланиши, уларнинг умумий йиғинда ишлаб чиқариш билан бандларнинг ҳиссаси, қўшма корхоналарнинг халқ хўжалигидаги ўрни, улардан экспорт фаолиятида қатнашадиганларнинг миқдори ва сотиш оборотлари ҳажми борасидаги маълумотлар таҳлил.* Иш ўйини ва уни муҳокама.

### **Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларларини кредитлаш ва суғурталаш тартиби**

Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари қатнашчиларини миллий ва қаттиқ валютада кредитлар билан таъминлашнинг зарурлиги, шакллари, шартлари ҳамда унинг аҳамияти.

Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларида халқаро иқтисодий ва молия ташкилотлари, банк кредитларидан фойдаланиш тартиби. *Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларида кредитларни жорий этишда хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва уни Ўзбекистонда қўллаш.*

Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларида суғурталашнинг аҳамияти. Суғурта объектлари ва хавфлар. Хорижий инвестицияларни суғурталаш. Хусусий суғурта

ташкilotлари. Хорижий ва халқаро суғурта компанияларининг Ўзбекистондаги фаолияти. Ситуацион масалалар ечиш.

### **Лицензион ишлари ва квоталарни белгилашнинг асосий услублари**

Ташқи савдо лицензияси тушунчаси. Квоталар мазмуни, уларнинг лицензиядан фарқи. *Ўзбекистон Республикасида экспорт лицензиялари ва квоталарини бериш тартиби*. Бу соҳадаги хорижий тажриба ва халқаро иқтисодий ташкilotлар томонидан қабул қилинган қоида ва тавсиялар. Квоталарни, лицензияларни ўзгарувчанлигига таъсир кўрсатувчи омиллар.

### **Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларида бож тўловлари ва солиқларнинг аҳамияти**

*Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларида бож тўловлари, солиқлар ва бу бўйича берилган имтиёзлар*. Бож тўловларини қўллаш амалиётининг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Протекционизмнинг мазмуни, афзалликлари ва салбий оқибати. Ҳозирги даврда бу сиёсатни ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларида қўллаётган давлатлар ҳамда Ўзбекистонда протекционизмнинг зарурияти, унга таъсир этувчи омиллар. Божхона ва Бож Қўмитаси тузилиши, вазифалари ва иш тартиби. Бож тарифлари, ставкалари ва прејскурантлар. Божларни қўллашда йирик мамлакатларнинг тажрибаси. Ташқи савдода тўла қулайлик интизомига эга бўлишнинг мазмуни. Ўзбекистон Республикасида савдо қилиш ҳуқуқига бўлган давлатлар.

*Экспорт ва импорт операцияларига нисбатан қўлланиладиган солиқлар функцияси фискаль /бюджет даромадини тўлдириш/, рағбатлантириш ва қайта тақсимлаш*. Ташқи иқтисодий фаолият солиқларининг ўзгаришига таъсир кўрсатадиган вазият ва омиллар. Ўзбекистон ҳукумати томонидан хорижий инвесторлар ва қўшма корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларига солиқлар бўйича белгиланган имтиёзлар.

### **Эркин тадбиркорлик зоналари**

Эркин зоналар таърифи. Жаҳон миқёсида бундай зоналарни пайдо бўлиш тарихи ва Буюк Британия, АҚШ, Хитой, Туркия ва бошқа мамлакатлар мисолида. Эркин тадбиркорлик зоналарининг мақсади, тузилиши, уни уюштиришнинг зарурий шартлари. *Ўзбекистонда эркин тадбиркорлик зоналари учун зарурий қулайликлар мавжудлиги ва тўсқинликлар: бевосита узоқ хорижий давлатлар билан чегаралар йўқлиги ва бошқалар*. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил августда чиқарган фармонига биноан Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти ҳудудида уюштирилган Эркин савдо зонаси аҳамияти: Тошкент Техника Университети асосида ташкил этилган илмий технологик зонасининг хусусиятлари: технополислар, технопарклар ва бошқалар.

### **Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларини амалга оширишда халқаро алоқаларни ривожлантириш**

*Экспорт-импорт этиладиган маҳсулотларнинг ташувини уюштириш услублари, воситалари ва уларни амалга оширувчи тегишли корхона ва ташкilotлар*. Халқаро ташувларнинг тузилиши. Уларда денгиз, ҳаво, темир, автомобил ва нефть-газ қувурлари транспортларнинг ҳиссаси.

Халқаро ташкilotлар томонидан ишлаб чиқилган ташувларнинг базис шартлари /фрахт, франко-вагон, франко-завод/. Халқаро транспорт ташувларини суғурталаштириш. Турли келишмовчиликларни ечиш воситалари.

Ўзбекистон Республикасида халқаро ташувларда қатнашадиган корхона ва ташкилотларнинг фаолияти.



## **Ўзбекистонда халқаро саёҳатчиликни ривожлантириш вазифалари ва муаммолари**

*Сайёҳликнинг мамлакат иқтисодиётига таъсири.* Ташқи иқтисодий фаолиятнинг бу шаклини фойдаланишда хорижий давлатлар тажрибаси /АҚШ, Испания, БАА, Туркия ва бошқалар/.

Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг халқаро саёҳатчиликни ривожлантириш бўйича қабул қилган фармон, қарор ва чора-тадбирлари. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз шаҳарларида кенг миқёсли сайёҳлар учун қулай хизматлар яратиш сиёсати. Бу соҳа учун юқори малакали таржимонлар, гидлар тайёрлаш муаммоси.

### **Республикада ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва воситалари**

*Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта стратегиясининг асосий йўналишлари, воситалари ва мақсадлари.* Хом-ашё экспортдан босқичма- босқич тез давр ичида тайёр маҳсулотлар экспортга ўтиш тадбирлари. Ишлаб чиқариш соҳасида хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, қўшма корхоналар тузиш, юқори даражали янги технологияларни уюштириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш. Импорт тузилишини такомиллаштириш, импортни қоплайдиган сиёсатни ўтказиш яъни ўзимизда яратила оладиган маҳсулотларни четдан олмасликка ҳаракат қилиш. Хорижий инвесторларни фаолияти учун қулай шароитлар солиқ имтиёзлари ва сиёсий оқойишталикни таъминлаш.

Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари билан шуғулланадиган мутахассислар малакасини ошириш, уларнинг иқтисодий билимларни, тилларни билиш, шакллари таъминлаш маданий даражасини жаҳон стандартига кўтариш.

### **Ташқи иқтисодий алоқалар шакллари ва уларни тартибга солиш услублари**

*Ўзбекистон Республикасида ташқи савдони ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.* Ишчи кучи миграцияси. Капиталлар оқими. Халқаро валюталар оқими. Илмий техникавий ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги.

Ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солиш воситалари.

## **3. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ МАВЗУЛАРИ**

### **Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятида ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари фанининг тутган ўрни**

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий комплекси, унинг хусусиятлари. Республика ташқи иқтисодий фаолиятининг ҳозирги пайтдаги аҳволи. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. Иқтисодий таркибий қайта қурилиши ва ташқи иқтисодий фаолиятининг ундаги ўрни\*. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ялпи миллий маҳсулотни яратишдаги ҳиссаси.

Ташқи савдо. Ўзбекистонда ташқи савдони ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг бошқа турлари: иш кучи миграцияси, капиталлар ҳаракати, жумладан хорижий инвестициялар оқими, халқаро валюта, илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш соҳасидаги муносабатлар. Ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солиш усуллари\*.

## **Ўзбекистон ташқи иқтисодий сиёсатининг тамойиллари ва мақсадлари**

Экспорт потенциали тушунчаси. Ўзбекистон Республикаси экспорт потенциалининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари. Ҳозирги даврда экспорт қилинаётган маҳсулотларимиз (хизматлар, илмий-техникавий ғоялар билан бирга). Ўзбекистон Республикаси экспорт сиёсатининг узоқ муддатли ва жорий вазифалари, уларни ечиш йўллари\*. Айни пайтдаги экспортимиз ҳажмида МДҲ нинг ҳиссаси ва ривожланган узоқ хорижий мамлакатларнинг ўрни. Хомашё экспортидан тайёр маҳсулот сотишга ўтиш билан боғлиқ муаммолар. Ситуацион масалалар ечиш. Ситуацион масала ечиш.

## **Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари**

Ташқи Иқтисодий Алоқалар вазирлиги, унинг вазифалари, бошқарма ва бўлимлари. Адлия вазирлигининг тегишли бошқарма ва хизматлари. Молия вазирлиги. Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий банки. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкининг тегишли бошқармалари ва бўлимлари. Алоҳида вазирликларнинг ташқи алоқалар бўйича бўлим ва хизмат бўғинлари. Давлат мулки ва қўмитаси, хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича тузилган "Ўзбекинвест" компаниясининг аҳамияти.

Республика мустақиллиги, унинг тараққиёт йўлини ўзига хослиги ва жаҳон ҳамжамиятлиги тажрибасини ақс эттиришнинг аҳамияти, бу бўйича қабул қилинган қонунлар ҳамда бошқа тегишли меъёрий ҳужжатлар. Ситуацион масалалар ечиш.

## **Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларини олиб бориш тартиби, унинг ҳуқуқий асослари**

Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларининг объекти ва субъекти. Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларида қатнашиш учун қўйиладиган талаблар. Юридик ёки жисмоний шахс экспорт-импорт операциялари билан шуғулланиш тартиби. Ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва вазифалари. Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари қатнашчиларига бериладиган лицензия тартиби. Барча қатнашчилар ичида хорижий субъектларга, жумладан қўшма корхоналарга белгиланган имтиёзлар. Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари қатнашчилари фаолиятининг самарасини кўтариш омиллари ва бу соҳадаги муаммолар\*.

## **Халқаро тижорат ташкилотлари**

Ташқи савдода даллоллик корхоналари, халқаро биржалар, аукционлар, кўргазма-сотувлар, торглар, савдо уйлари ҳақида тушунча ва уларнинг зарурияти\*.

Халқаро биржа ва унинг иш тартиби. Уларнинг турлари ва турли маҳсулотларни сотди-олдидаги ҳиссаси ва ўрни. Чет мамлакатларнинг йирик биржа марказлари. Халқаро товар биржасининг бошқарувчи органлари, биржа "чуқурлиги", дилерларни "хўкиз" ва "айиқ" турлар амали.

Халқаро аукционлар "ким ошди" савдосини қўллаш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг чет давлатларда очилган савдо уйлари фаолияти.

## **Рақобатга чидамли товарлар ташқи бозорга чиқишнинг асоси**

Ташқи бозорга рақобатга чидамли товарлар ишлаб чиқишнинг асоси ва товар тамғасининг аҳамияти.

Халқаро биржа ва аукционларда амал қиладиган замонавий рақобат хусусиятлари ва омиллари\*. Маҳсулот, фирма ва давлатни рақобатга кодирлиги даражасини белгилайдиган кўрсаткичлари. Товар ҳаёти цикл /доираси/, унинг босқичлари ва фирмаларни, давлатни маркетинг сиёсатига таъсири. Ўзбекистонда жаҳон бозори рақобатга чидамли товар ва хизматларни яратишни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ечиш йўллари. Иш ўйини ва унинг муҳокамаси.

## **Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларини тартибга солишда хорижий тажриба ва унинг Ўзбекистон учун аҳамияти**

Замонавий мамлакатларнинг иқтисодий назарияси томонидан асослаб, халқаро савдода амалий қўлланилган нисбий солиштириш афзаллиги қонидасининг аҳамияти\*. Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларини бошқариш ва ривожлантиришнинг ривожланган мамлакатларда қўлланиладиган услублар ва чоралар. Бож тарифлари, экспорт солиқлари, лицензия ва квоталар. Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларини бошқаришда маъмурий чекланишлар шакллари ва андозаси.

## **Жаҳон бозорларида адолатсиз рақобат ва унинг олдини олиш воситалари**

Халқаро савдода эркин рақобатнинг тартиб ва ахлоқий меъёрларини бузилиши ҳоллари. Картеллар тузиш демингни қўллаш корупциядан фойдаланиш ва бошқа яқка ҳукмронлик амалларининг шаклланиши\*. Трансмиллий корпорациялар ва улар фаолиятининг эркин рақобати учун хавфи. Халқаро ташкилотлар томонидан қонунлаштирилган ва тегишли ҳужжатларда қайд этилган адолатсиз рақобатни чеклашга қаратилган чора-тадбирлар жумладан шу ҳаракатларни олиб борадиганларга нисбатан кўзда тутилган жарималар ва моддий қоплашлар таърифи.

## **Хорижий инвестициялар ва уларнинг Ўзбекистон учун аҳамияти ҳамда қўшма корхоналар фаолияти**

Хорижий инвестиция тушунчаси, уларни таснифлаш ҳамда шакллари. Ўзбекистон иқтисодиётида чет эл инвестицияларининг тутган ўрни\*. Ўзбекистон Республикасининг хорижий инвестициялар тўғрисидаги қонуни, хорижий инвесторларга берилган имтиёзлар.

Ўзбекистон Республикасининг "Қўшма корхоналар тўғрисида"ги Қонунида қўшма корхоналар учун берилган имтиёзлар. Ўзбекистон Республикасида тузилган ва ишлаётган қўшма корхоналар сони, тармоқлар бўйлаб жойланиши, уларнинг умумий йиғинда ишлаб чиқариш билан бандларнинг ҳиссаси, қўшма корхоналарнинг халқ хўжалигидаги ўрни, улардан экспорт фаолиятида қатнашадиганларнинг миқдори ва сотиш оборотлари ҳажми борасидаги маълумотлар \таҳлил\.

## **Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларини кредитлаш ва суғурталаш тартиби**

Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари қатнашчиларини миллий ва қаттиқ валютада кредитлар билан таъминлашнинг зарурлиги, шакллари, шартлари ҳамда унинг аҳамияти\*.

Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларида халқаро иқтисодий ва молия ташкилотлари, банк кредитларидан фойдаланиш тартиби. Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларида кредитларни жорий этишда хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва уни Ўзбекистонда қўллаш.

Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларида суғурталашнинг аҳамияти. Суғурта объектлари ва хавфлар. Хорижий инвестицияларни суғурталаш. Хусусий суғурта ташкилотлари. Хорижий ва халқаро суғурта компанияларининг Ўзбекистондаги фаолияти. Ситуацион масала ечиш.

### **Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларини амалга оширишда халқаро алоқаларни ривожлантириш**

Экспорт-импорт этиладиган маҳсулотларнинг ташувини уюштириш услублари, воситалари ва уларни амалга оширувчи тегишли корхона ва ташкилотлар\*. Халқаро ташувларнинг тузилиши. Уларда денгиз, ҳаво, темир, автомобил ва нефть-газ қувурлари транспортларнинг ҳиссаси.

Халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган ташувларнинг базис шартлари /фрахт, франко-вагон, франко-завод/. Халқаро транспорт ташувларини суғурталаштириш. Турли келишмовчиликларни ечиш воситалари.

Ўзбекистон Республикасида халқаро ташувларда қатнашадиган корхона ва ташкилотларнинг фаолияти. Ситуацион иш ўйини.

### **Республикада ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва воситалари**

Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта стратегиясининг асосий йўналишлари, воситалари ва мақсадлари. Хом-ашё экспортдан босқичма- босқич тез давр ичида тайёр маҳсулотлар экспортга ўтиш тадбирлари\*. Ишлаб чиқариш соҳасида хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, қўшма корхоналар тузиш, юқори даражали янги технологияларни уюштириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш. Импорт тузилишини такомлаштириш, импортни қоплайдиган сиёсатни ўтказиш яъни ўзимизда яратила оладиган маҳсулотларни четдан олмасликка ҳаракат қилиш. Хорижий инвесторларни фаолияти учун қулай шароитлар солиқ имтиёзлари ва сиёсий осойишталикни таъминлаш.

Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари билан шуғулланадиган мутахассислар малакасини ошириш, уларнинг иқтисодий билимларни, тилларни билиш, шаклларини таъминлаш маданий даражасини жаҳон стандартига кўтариш. Ситуацион масала.

## **4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА-НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ: ИНФОРМАЦИОН-ТЕХНИК ВОСИТАЛАР**

**Интернет сайтлари:** [www.bizbook.ru](http://www.bizbook.ru), [www.chtivo.ru](http://www.chtivo.ru).

**Аудио-видео жиҳозлар.**

**Мавзуга бағишланган видео кассеталар.**

Кодоскоп орқали кўрсатиладиган слайдлар:

- Ўзбекистон ташқи иқтисодий сиёсатининг тамойиллари ва мақсадлари мавзуси бўйича 2та слайд;
- Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари ҳисобини олиб бориш тартиби, унинг ҳуқуқий асослари мавзуси бўйича 2та слайд;

- Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари ҳисобини тартибга солишда хорижий тажриба ва унинг Ўзбекистон учун аҳамияти мавзуси бўйича 1та слайд;
- Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларини амалга оширишда халқаро алоқаларни ривожлантириш мавзуси бўйича 2та слайд;
- Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларларини кредитлаш ва суғурталаш тартиби мавзуси бўйича 1та слайд.

## **5. ЎЗЛАШТИРИШНИНГ НАЗОРАТИ**

Фан бўйича талабаларнинг ўзлаштиришларини баҳолаш семестр (ўқув йили) давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турлар орқали амалга оширилади:

- жорий баҳолаш(ЖБ) - 35%;
- оралиқ баҳолаш(ОБ) - 35%;
- якуний баҳолаш(ЯБ) - 30%.

ЖБ ва ОБ турлар ва белгиланган баллар миқдори (ўқув режасида фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган соатнинг) 70%, якуний баҳолаш эса 30% миқдориди белгиланади.

Фан бўйича дастур тўла ўтилгандан кейин ЯБда тингловчи "ёзма иш" усулида (ўқув режасига кўра) ўтказилади.

Таянч тушунчаларига асосланган (ёзма иш) усулини ўтказиш тартиби "Рейтинг тузишнинг якуний баҳолаш босқичида" "ёзма иш" усулини тадбиқ этиш бўйича Намунавий низом билан белгиланади.

Семестр ўқув йили давомида ўқитилган фан бўйича максимал, 55 ва ундан юқори фоизни тўплаган талаба қониқарли ўқиётган деб ҳисобланади. Фан бўйича максимал баллнинг 55% идан кам балл тўплаган талаба қониқарсиз ўқиётган (қарздор) деб ҳисобланади.

Семестр давомида фан бўйича тўпланган баллар қуйидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади:

- 86 - 100 - "аъло" - 68,8 - 80,0 балл;
- 71 - 86 - "яхши" - 56,8 - 68,0 балл;
- 55 - 70 - "қониқарли" - 44,0 - 56,0 балл.

## **6. АДАБИЁТЛАР**

### **Асосий адабиётлар**

1. "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида"ги Қонун. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. "Ўзбекистон Республикаси банклар фаолияти тўғрисида"ги Қонун. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Ўзбекистон республикаси президентининг фармонлари 1995 й. 5 январдан 2001 йил 1 январгача. - Т.: Адолат, 2000.
4. Нормативные акты по банковской деятельности за 1998, 1999, 2000, 2001. - Т., 2001.
5. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1995.
6. Абдуллаева Ш. Банк иши. Ўқув қўлланма. -Т.: Молия, 2000.
7. Абдуллаева Ш. Пул, кредит ва банклар. -Т.: Молия, 2000.

8. Александрова Н.Г. и др. Банки и банковская деятельности для клиентов. С-Пб.: Питер, 2002.
9. Абрамова Г.С. Психология только для студентов. Учеб. пос. -М.: ПЕРСЭ, 2001.
10. Абалов А.Э. Международный рынок драгоценных металлов: основные принципы функционирования. - М., 2001.
11. Абашина А. М. Симонова Н.Н. Кредит и займы. -М., 2000.
12. Аникин А.В. Защита банковских вкладчиков. - М., 1997.
13. Артемов Н.М. Валютный контроль. - М., 2001.
14. Брызгалин А.В. Берник В.Р. Валютный контроль на предприятии. - М., 2000.
15. Бошарин Г.П. Начало финансовой математики. - М., 2001.
16. Банки информация анализ. 1-3том. -М., -Вашингтон 1998.
17. Бланк А.И. Инветиционный менеджмент. - М., 2000.
18. Банковское дело: Управление и технология: Учеб. пос. для ВУЗов. Под ред. проф. А.Н. Товашева. - М.: Юнити-Дана, 2001.
19. Банки и банковское дело / Под. ред. И.Т. Балабанова - С-Пб.: Питер, 2001.
20. Братко А.Г. Банковское право: Теория и практика -М.: ПРИОР, 2000.
21. Бунянов В.П., Алексеева Д.Г. Анализ нормативного обеспечения банковских расчетов. - М.: Экзамен, 2002.
22. Богаров В.В. Управление денежным оборотом предприятий и корпораций. - М., 2001.
23. Викулин А.Ю. Антимонопольные регулирования рынка банковских услуг. Учеб. пос. - М., 2001.
24. Ваурин П.И. Методика подготовка и процедура защиты дипломных работ по финансовым и экономическим специальностям. Учеб. пос. - М., 2001.
25. Варьяш И.Ю. Банковская социология. Экспертные оценки в банковском деле. - М., 1999.
26. Виноградова Т.Н. Банковские операции. Учеб. пос. - Ростов, 2001.
27. Горбунов А.Р. Оформленный бизнес. - М., 1999.
28. Гладкова И.Н. Наличные рубли и валюта. - М., 1999.
29. Герасименко Г.П., Маркорьян С.Э, Маркорьян Э.А, Шумилин Е.П. Управленский, финансовый и инвестиционный анализ. - Ростов: Март, 2002.
30. Горемкин В.А. Лизинг и лизинговые операции. - М.: Дело, 2001.
31. Глушенко Е.В. и др. Теория управления. - М.: ЮНИТИ, 1997.
32. Гусеева И.А. Практикум по рынку Ценных бумаг. - М.: Юрист, 2000.
33. Дихтяр В.И. Банковские услуги прерприятий. Базовие операции. - М.: ЮНИТИ, 2001.
34. Деньги, Кредит, Банки. Ценные бумаги. Практикум: Учеб. пос. для вузов - Под ред. Е.Ф. Жукова. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001.
35. Дробозина Л.А. Финансы, денежное обращение, кредит. - М.: Финансы, 1997.
36. Джарбеков С.М. Посреднические операции. - М.: Дело, 2000.
37. Ендовицкий Д.А. Комплексный анализ и контроль инвестиционной деятельности. - М.: Финансы и статистика, 2001.
38. Ефимова Е.Т. Банки, ответственность за нарушение при расчетах. М.: Дело, 2000.
39. Жукова Е.Ф. Деньги, Кредит, Банки, Ценные бумаги Практикум: Учеб. пос. - М.: ЮНИТИ, 2001.
40. Жукова Е.Ф. Деньги, Кредит, Банки. Учеб. М.: ЮНИТИ, 2001.
41. Зулъяров А. Банк хукуқи. - Т.: Молия, 2000.
42. Ибратов Б. Тадбиркорлик хукуқи. - Т.: Молия, 2001.
43. Иминов О.К. Кредитный механизм современных условиях. Монография. - Т.: ТГЭУ, 2000.
44. Иқтисодий йўналишлар чораклик нашр. Ўзбекистон. Апрель-июнь. 2001 йил.
45. Карпова Т.П. Основы управления учёта. - М.: ЮНИТИ, 1997.

46. Капитоненко В.В. Инвестиции и хеджирование. Учеб. прак. пос. для вузов. - М.: Дело, 2001.
47. Казимагомедов А.А., Ильясов С.М. Организация денежно-кредитного регулирования. - М.: Юпитер, 2001.
48. Ковалев В.В. Финансовый анализ. - М.: ЮНИТИ, 2001.
49. Курочкин Д.Н. Евро - новая валюта для старого света. Проблемы становления и перспективы развития Европейского экономического и валютного союза. - М.: Дело, 2000.
50. Купчинский В.А., Уминич А.С. Система управления ресурсами банка. - М.: Дело, 2000.
51. Лаптирев Д.А. и др. Планирование финансовой деятельности банка. М.: Дело, 1998.
52. Лаврушин О.И. Деньги, Кредит, Банки. Учеб. - М.: Финансы и статистика, 2002.
53. Ларионова И.В. Реорганизация коммерческих банков. - М., 2000.
54. Лапуста М.Г. Старостин Ю.Л. Малое предпринимательство. - М., 1997.
55. Муллажанов Ф. Банк тизими. - Т., 2001.
56. Миркин Я.М. Банковские операции часть 1, 2, 3. - М., 1997.
57. Мединский В.Г. Шарпуков Л.Г. Малое предпринимательство. - М., 1997.
58. Медвецов А.Н., Медвецова Т.В. Практическая бухгалтерия от создания до ликвидации. - М., 2001.
59. Морозова Л.Л. Анализ типичных ошибок. 1, 2-ч. - С-Пб., 1997.
60. Матдин А.М. Деньги и экономические решения. - М., 2001.
61. Миллер Л.Р., Девид Д. Ван-Хуз. Современные деньги и банковское дело. Пер. с англ. - М.: ИНФРА, 2000.
62. Нестерова Т.Н. Банковские операции. - М., 2001.
63. Нечаева И. Финансовый и банковский менеджмент. - М., 2000.
64. Основные Принципы Банковского Надзора. Bank of England, 1996.
65. Окофордская иллюстрированная энциклопедия В 9 т. 3-2-е изд. испр. Всемирная история. С древнейших времен и др. - М., 2000.
66. Овсийчук М.Ф. и др. Финансовый менеджмент методы инвестирования капитала. - М., 2001.
67. Парфинова К.Г. Прфинова Д.Л. Операционная техника и учет в коммерческих банках. - М., 1997.
68. Панова Г.С. Анализ финансового состояния коммерческого банка. М., 2000.
69. Панова Г.С. Банковское обслуживание частных лиц. - М., 2000.
70. Попов В.В. Банки на переходе. - М., 2001.
71. Парфенов К.Г. Банковский план счетов и правила ведения бухгалтерского учета. - М., 2001.
72. Пугачев В.П. Тесты, деловые игры, тренинги в управлении персоналом. - М., 2002.
73. Родзинский Ю.Л. Банковская деятельность, регулирование и надзор. - М., 2000.
74. Русинов Ф.М., Никулин А.Ф. Менеджмент и само менеджмент в системе рыночных отношений. - М., 2000.
75. Росс Кадор Е.А. Управление свободными ресурсами банка. - М., 1996.
76. Самойлов Г.О. Банковская конкуренция. - М., 2002.
77. Савчук В.П. Примекко С.И. Величко Е.Г. Анализ, разборка инвестиционных проектов: Учеб. пос. -Киев: Эльга, 1999.
78. Стоянова Е.С. и др. Управление оборотным капиталом. - М.: ВО Перспектива, 1998.
79. Справочник о деятельности центральных банков № 1-10 Bank of England, 1996.
80. Тавасиев А.М. и др. Расчетные и кассовые услуги банка. Учеб. пос. - М., 2001.
81. Тавасиева А.М. Банковское дело: управление и технология. Учеб. пос. - М., 2001.
82. Тавасиев А.М. и др. Конкуренция в банковском секторе России. Учеб. пос. -М., 2001.

83. Тосунян Г.А., Викулин Л.Ю. Несостоятельность кредитных организаций. Учеб. - М., 2002.
84. Фатхудинов Р.А. Разработка управленческого решения. - М., 1997.
85. Шеррин де Ковин, К. Такки. Стратегия хеджирования. - М., 1997.
86. Шарифходжаев М.Ш. Экономическая теория. - Т., 1999.
87. Щербакова Г.Н. Банковские системы развитых стран. -М., 2001.
88. Шеремет А.Д. Финансовый анализ в коммерческом банке. - М., 2002.
89. Шо Джон М. Как мы живем. - М., 1998.
90. Экономика СНГ: 10 лет реформирования и интеграционного развития. - М., 2001.
91. Интернет сайтлари:

- [www.banking.com](http://www.banking.com) - минтақавий банклар, ассоциациялар ва нашриётлар бўйича банк саноати ресурслари директорлиги.
- [www.banking.com/aba](http://www.banking.com/aba) - Америка банклари ассоциацияси.
- [www.state.ct.us/dob](http://www.state.ct.us/dob) - коннектикут банклари ва кредит бирлашмалари, кредит муассасалари ва қўриқлаш саноатини бошқаради.
- [www.arraydev.com/commerce/JIBC](http://www.arraydev.com/commerce/JIBC) - интернет банкинг ва коммерция журнали.
- [www.bankingtech.com](http://www.bankingtech.com) - банк технологиялари.
- <http://www.bankreferatov.ru> - Рубрика Рефераты, курсовые, дипломы на тему "Банковское дело".
- <http://books.listsoft.ru/book.asp?cod=10298&rp=4&up=1> - Перевод популярного в Англии учебного пособия по изучению банковского дела, используемого при подготовке к сдаче квалификационных экзаменов.
- [http://www.zhurnal.ru/5/vir\\_tech.htm](http://www.zhurnal.ru/5/vir_tech.htm) - НОУ-ХАУ ВИРТУАЛЬНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ, раздел "Банковское дело".

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатлар тўплами. 1999, 2002.
2. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари. 2000, 2002.
3. Абалов А.Э. Международный рынок драгоценных металлов: принципы функционирования. - С-Пб., 2001.
4. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения Учеб. пос. - М., 2001.
5. Бунмен Г.В, Золотая Валюта понимаю к макроэкономике государствии и мира. - М., 2000.
6. Гафарлы М.С. и др. Узбекская модель развития. - М., 2000.
7. Ершов М.В. Валютно-финансовые механизмы в современном мире. - М., 2001.
8. Захаров К.В. и др. Логистика, эффективность и риски внешнеэкономических операций. - М., 2001.
9. Костюнина Г.М. Международная практика регулирования иностранных инвестиций. Учеб. пос. - М., 2001.
10. Курочкин Д.Н. Евро - новая валюта Старого Света. - М., 2000.
11. Кратко И.Г. Международная предпринимательство. Учеб. пос. - М., 2001.
12. Купчинский В.А. Система управления ресурсами банка. - М., 2000.
13. Ломагин Н.А. и др. Введение в теория международных отношений и анализ внешней политики. Учеб пос. - М., 2001.
14. Лачинов М.М. Основы внешнеэкономической деятельности в строительстве. Учеб. пос. - М., 2001.
15. Ларионова И.В. Реорганизация коммерческих банков. - М., 2000.
16. Любимцева С.Н. Курс английского языка для финансистов Учеб. М., 2001.



17. Миллер Л.Р. Современные деньги и банковское дело. Пер. с англ. - М., 2000.
18. Мировая экономика, международные экономические отношения. Серия учебники. Учеб. пос. под ред. Аковопой. Е.С. - М., 2001.
19. Международные экономические отношения. Под ред. Ливенцева Н.Н. - М., 2001.
20. Мировая экономика. Экономика зарубежных стран. Под ред. проф. В.П. Колесова и др. - М., 2001.
21. Пивоваров А.Г. Англо-русский словарь по внешней торговле и международный транспортным операциям. - М., 2001.
22. Погорлецкий А.И. Экономика и экономическая политика Германии в XX веке. - СПб., 2001.
23. Постников С.Л. Мировая экономика и экономическая положение России. Сборник статистики. - М., 2001.
24. Риски финансового сектора Российской Федерации. Практ. пос. - М., 2001.
25. Стригин А.В. Мировая экономика. - М., 2001.
26. Тавасиев А.Н. Банковское дело: управление и технологии. - М., 2001.
27. Хамедов И.А. Ўзбекистон Республикасида ташки иктисодий фаолият асослари. - Т.: Ўзбекистон, 2001.
28. "Бозор, пул ва кредит" журналлари 2001-2002 йиллардаги сонлари.
29. "Банк ахборотномаси" газетаси 2002 йил сонлари.